



**МОЛИЯВИЙ ХИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИДА
АКТИВЛАР ХИСОБИНИ ЮРИТИШНИНГ УЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ.**

Хакимов Фахритдин Абдусатторович

*Термиз муҳандислик-технология институти
ассистенти*

Отамуродова Дилдора Абдукаримовна

*Термиз муҳандислик-технология институти
ассистенти*

Эргашев Искандар Зиядулло угли

*Термиз муҳандислик-технология институти
3-курс талабаси*

Аннотация: Ушбу мақолада узоқ муддатли активларни халқаро стандартлар асосида ҳисобини юритиш борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг ёндашувлари, шунингдек, халқаро стандартларда узоқ муддатли активларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисобга олиш тамойиллари тадқиқ қилинди.

Калит сўзлар: узоқ муддатли активлар, ҳисоблаш усули, фаолиятнинг узликсизлиги, даромад ва харажатлар ўртасидаги нисбатнинг узлуксизлиги, сифат таснифлари ўртасидаги мутаносиблик.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимиздаги мулкрий муносабатларнинг янги тамойиллар асосида ўзгариши бухгалтерия ҳисоби қоидаларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди. Янги тамойиллар ҳозирги иқтисодиётимиз моделига асосланган бўлиши, иқтисодиёти ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳамда



халқаро бухгалтерия ҳисоби андозаларига жавоб бериши лозим. 13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404-сон Қонун билан “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” Қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди, унинг янги таҳрири тасқидланди. Ушбу қабул қилинган қонуннинг 10-моддасига мувофиқ “Бухгалтерия ҳисоби субъектларига молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини (МХХС) қўллаш ҳуқуқи тақдим этилди” [1].

Бухгалтерия ҳисобини халқаро принциплар ва стандартларга мувофиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини янги нормалар асосида тартибга солишни такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги” қарори[2] қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналар ўз ҳисоботларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)га мувофиқ тақдим этиши белгиланган.

1-сон МХХС да “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари-Бу Молиявий ҳисоботнинг халқаро сандартлари қумитаси томонидан қабул қилинган стандартлар ва интерпретациялардир” деб таъриф берилган [3].

“Молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг мақсади-молиявий ҳисоботларни тақдим этишда турли хилма-хилликлар ва шарҳлар турини қисқартириш, маълумотларни таққослаш имконини яратиш ва сифатини ошириш, стандартларни умумийлаштириш” деб таъриф берган Профессор А.Н.Тураев [4] ва бошқалар.

Шуни таъкидлаш лозимки, халқаро андозаларга киритилган тамойилларнинг сезиларли қисми бизнинг мамлакатимиз томонидан қабул қилинган концептуал тизимга мос келади.



Ўзбекистон Республикаси миллий бухгалтерия ҳисоби стандартларида бухгалтерия ҳисобининг тўртта асосий тамойиллари шакллантирилган. Бухгалтерия ҳисобининг кўплаб тамойилларидан узоқ муддатли активларни ҳисобга оладиган, шунингдек, ҳисобни юритишнинг усуллари ва услубиятини шакллантирадиган тамойилларини ажратиб олиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Узоқ муддатли активларни ҳисобга олиш тамойиллари келтирилган.

Бизнинг фикримизча, юқорида баён қилинган фикрлар узоқ муддатли активлар таркибини молиявий ҳисоботнинг халқаро андозалари талабларига кўра, уйғунлаштиришга кўмаклашади.

Узоқ муддатли активлар корхона фаолиятида иштирок этадиган муҳим иқтисодий категориялардан бири ҳисобланади. Янги иқтисодий муносабатлар шароитида мазкур иқтисодий категория етарлича чуқур ўрганилмаган. Шунинг учун унинг тоифаларини аниқловчи асосий тавсифларни ҳар томонлама кўриб чиқиш зарур. Шунини таъкидлаш лозимки, мазкур тадқиқотлар узоқ муддатли активларнинг айрим назарий масалаларини аниқ бир ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тадбиқ этишга қаратилган.

Ўз фаолиятини тугатаётган корхона учун узоқ муддатли активларни баҳолашда реализацион қиймат усули қўлланиши фойдали.

Шундай қилиб, корхона фаолиятининг узлуксизлиги тамойилини узоқ муддатли активлар бухгалтерия ҳисобига татбиқ этиб, қуйидагича ифодалаш мумкин: фаолият олиб бораётган корxonанинг узоқ муддатли активлари баланс қиймати (дастлабки, жорий тикланувчи, жорий бозор, қолдиқ баҳолари)да баҳоланади. Корхона фаолияти тўхтатилиб оралик тугатиш баланси тузилаётганда, узоқ муддатли активларни баҳолаш реализацион қиймат бўйича амалга оширилади.



Молиявий ҳисоботларни тузиш тартибининг концептуал асосига кўра, ҳисоблаш тамойили корхона хўжалик фаолиятининг маълум бир даврини тавсифлайди, яъни содир этилган хўжалик операциялари пул маблағларининг тўланган ёки олинган пайтига эмас балки айнан ўша тавсифланган даврига тааллуқли, деб тан олинади. Шундай қилиб, ҳисоблаш тамойили- бу бухгалтерия ҳисобида бўлиб ўтган хўжалик операцияларини мазкур ҳисобот даврида тан олиш лозим эканлигини эътироф этиш, демакдир. Шунинг учун корхона фаолияти тугатилаётганда, активларни сотиш баҳоси уларни сотишдан олинadиган даромадларни ҳисоблаш имконини беради.

Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларида мазкур тамойил кенгрок талқин этилади. Мазкур тамойилнинг 4 та таркибий қисмларини ажратиш мумкин:

| | |
|-----|---|
| Т/р | Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларида бухгалтерия ҳисоби тамойилларининг таркибий қисмлари |
| 1 | Операция ва ҳодисалар пул ва унинг эквивалентларининг келиб тушишига қараб эмас, балки улар ҳақиқатда амалга ошишига қараб тан олинади; |
| 2 | Операция ва ҳодисалар қайси даврда амалга оширилганлигига қараб ўша даврнинг молиявий ҳисоботларида кўрсатилади ва ҳисоб регистрларида қайд қилинади; |
| 3 | Харажатлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда бевосита кўрилган зарарлар ва ишлаб топилган аниқ даромадлар солиштирилганда тан олинади; |



| | |
|---|---|
| 4 | Таққослаш концепциясининг қўлланиши бухгалтерия балансида актив ва мажбуриятларни белгиламайдиган моддалар бўлишига йўл қўймайди; |
|---|---|

Бизнинг фикримизча, ҳисоблаш тамойилини 3 та асосий таркибий қисмга бўлиш мумкин: харажатларни аниқлаш тамойили, даромадларнинг харажатларга мос келиши тамойили, қайд қилиш тамойили. Харажатларни аниқлаш тамойилининг маъноси шундан иборатки, харид қилинган активларга тўланган пул ва унинг эквивалентлари ўз ҳолича харажат ҳисобланмайди, балки ўша маблағларни тўлаш мажбуриятларининг вужудга келиши харажат бўлиб ҳисобланади. Даромадларни қайд қилиш тамойили улар қайси ҳисобот даврида рўй берган бўлса, улар учун пул маблағларини ҳақиқатда келиб тушган вақтидан қатъий назар, уларни ўша ҳисобот даврида тан олиншини билдиради.

Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисоби қоидаларида даромад олишнинг асосий мезони қилиб мулкка эгалик ҳуқуқининг сотувчидан олувчига ўтиш пайти қабул қилинган. Узоқ муддатли активлар бўйича операцияларда алоҳида объектларни вақтинчалик фойдаланишга беришдан ҳам даромад олиш мумкин.

Даромадларнинг харажатларга мос келиш тамойили шуни кўзда тутадик, даромад олиш учун қилинган харажатлар бухгалтерия ҳисобида даромадлар кўрсатилган даврда келтирилади.

Узоқ муддатли активларнинг бир қисм объектларида икки хил эҳтиёткорлик концепциялари мавжуд:



- динамик бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан эҳтиёткорлик тамойили, бунда узоқ муддатли моддий активларнинг фақат сотиш ёки бошқа сабаблар билан ташлаб чиқиб кетиш ҳолатидаги реал қийматини аниқлаш кўзда тутилади;
- статик бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан эҳтиёткорлик концепцияси-бу ҳали сотилмаган узоқ муддатли активларнинг потенциал зарарини эътиборга олишни кўзда тутди;

Статик концепция амалдаги бухгалтерия ҳисоботларида тўлиқ қўлланилмайди. Лекин эҳтиёткорлик тамойили уни амалда қўллаш имконини беради.

Шундай қилиб, мамлакатимиз бухгалтерия тизимида эҳтиёткорлик тамойилининг қўлланилиши давлат томонидан ишлаб чиқилган фискал сиёсатга зид келиши мумкин.

Узоқ муддатли активлар бухгалтерия ҳисобида даврийлик, молиялаштириш ҳамда жорий, келгуси давр ва капитал харажатларни алоҳида ҳисобга олиш усуллари методологик асос бўлиб ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг даврийлиги усули активларни сотиб олиш бўйича бир мартали харажатларнинг алоҳида ҳисобот даврлари бўйича тақсимланишини кўзда тутди. Шундай қилиб, узоқ муддатли активларни сотиб олиш бир марта катта харажатлар қилинишини тақозо этади, лекин бу харажатлар қайси даврда вужудга келган бўлса, ўша ҳисобот даврига киритилмайди. Шунинг учун активлар фаолият даврлари миқдорининг дастлабки ҳисоб-китоби амалга оширилади ва улардан самарали фойдаланиш даври аниқланади. Шунингдек, узоқ муддатли активларнинг ҳар бир ҳисобот йилига тўғри келувчи қисми ажратилади.



Жорий, келгуси давр ва капиталлашган харажатларни алоҳида ҳисобга олиш усули корхонанинг узоқ муддатли активларни сотиб олиш ва кейин уларни жорий ёки келажак давр харажатларига киритиш бўйича харажатларини бухгалтерия ҳисобида кўрсатиш учун қўлланилади.

Узоқ муддатли активларни сотиб олиш пайтида корхонанинг бир марталик катта харажатлари вужудга келади. Ушбу харажатлар пул маблағларини тўлаш, дебиторлик қарзларининг вужудга келиши, бошқа активларга алмаштириш орқали амалга оширилиши мумкин. Кўрсатилган харажатлар корхонанинг узоқ муддатли активлари қийматини ошириши ҳамда жорий ёки келажак давр харажатларига тегишли бўлиши мумкин. Шунинг учун юқоридаги харажатларни жорий, келгуси давр ва капиталлашган харажатларга ажратиш жуда муҳим. Шундай қилиб, узоқ муддатли активларни сотиб олганда, сотиб олиш бўйича харажатларнинг катта қисми капиталлаштирилади, бироқ харажатларнинг бир қисми жорий давр харажатларига киритилиши мумкин.

Шундай қилиб, “бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари узоқ муддатли активларни ҳисобга олишнинг концептуал асосини белгилайди” [10]. Шунинг учун корхоналарда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва унга амал қилишда мазкур тамойиллар талабини бажариш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қиладиган бўлсак, бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари узоқ муддатли активларни ҳисобга олишнинг концептуал асосини белгилайди. Шунинг учун корхоналарда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва унга амал қилишда мазкур тамойиллар талабини бажариш муҳим аҳамиятга эга.

Узоқ муддатли активларни тан олишнинг тамойилларидан келиб чиқиб, актив узоқ муддатга, яъни бир йилдан ортиқ муддатга хизмат қилиши,



назорат функциясига эга бўлиши ҳамда иқтисодий фойда келтириш имкониятини таъминланиши лозим.

Иккинчидан активлар узоқ ва жорий активларга тан олинишида уларнинг хизмат муддатини баҳолаш орқали умрини аниқлаш ҳамда уларнинг фарқли жиҳатларини бухгалтерия ҳисобида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тўлиқ акс эттириш лозим.

Учинчидан узоқ муддатли активлар таркибига гудвилл, асосий воситалар, номоддий активлар, шўъба корхона молиявий инвестициялари, ассоциацияланган корхона инвестициялари, бошқа молиявий инвестициялар, узоқ муддатли дебиторлик қарзлар моддалари асосида туркумланиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” Қонун янги таҳрири (13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404 сон)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги” қарори
3. Международные стандарты финансовой отчетности: Издание на русском языке.-М: “АСКЕРИ-АССА”, 2016.
4. Тўраев А. Н., Эшонқулов А. А. КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТУЗИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ //Архив научных исследований. – 2022. – Т. 2. – №. 1.



5. Norbekov D., To'rayev A., Rahmonov Sh. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari. O'quv qo'llanma. –T.: Iqtisod-moliya, 2018. –350 b.
5. Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. - М.: Финансы и статистика, 2002. - С. 48
6. Кутер М. И. Теория и принципы бухгалтерского учета. – 2000.
7. Исманов И. Н. Активлар тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва уларни ҳисобга олишнинг айрим мунозарали жиҳатлари //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2016. – №. 2. – С. 39-45.
8. Ташназаров С. Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга ўтиш зарурияти //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2016. – №. 7. – С. 48-54.
9. Khakimov F. A., Turanov M. S. The Economic Essence of Profit and the Initial Theoretical Foundations of its Formation //Eurasian Research Bulletin. – 2022. – Т. 6. – С. 95-97.
10. Abdusattorovich K. F. PRINCIPLES OF RECOGNITION, ASSESSMENT AND ACCOUNTING OF LONG-TERM ASSETS IN INTERNATIONAL ACCOUNT TEMPLATES //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 11. – С. 1133-1138.
11. Касимова, Нодира Саидовна. "Инвестиционная среда в Узбекистане." *Экономика и социум* 10-2 (101) (2022): 361-364.
12. Qosimova, Nodira Saidovna. "O 'ZBEKISTONNING IJTIMOIIYIQTISODIY RIVOJLANISHIDA ISLOMIY MOLIYANING AHAMIYATI VA IMKONIYATLARI." *Scientific progress* 4.2 (2023): 223-228.



13. Saidovna, Qosimova Nodira, and Sharifova Nargiza Khasanov. "MILLIY IQTISODIYOTDA IQTISODIY O 'SISH VA DINAMIK MUVOZANAT." *THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH* 2.15 (2023): 92-97.

14. Saidovna, Kasimova Nodira. "THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF MINERAL RESOURCES IN THE ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRY." *JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE* 3.6 (2024): 56-61.